



6. Холдороров Т., Туленова Х.Б. Теоретические и практические основы физической культуры, физической культуры, спорта, туризма, национальных игр. Издательство ТДПУ, 2007 г.
7. Малинина Н.Н., Туленова Х.Б. Методика обучения общеразвивающим упражнениям, ТДПУ, 2003 г.
8. Туленова Х.Б. Малинина Н.Н., Методика преподавания общеразвивающих упражнений, ТДПУ, 2005 г.
9. Абдуллаев А., Хонкельдиев Ш. Теория и методика физической культуры Ташкент., УзГВЛИ, 2005 - 300 с.
10. www.tdpu.uz
11. www.pedagog.uz
12. www.ziyonet.uz
13. www.edu.uz
14. tdpu.INTRANET.uz

САИД АҲМАДНИНГ “ҚОРАКЎЗ МАЖНУН” ҲИКОЯСИ МАТНИ УСТИДА ИШЛАШ ЖАРАЁНИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30йиллигига бағишланади

Абдуллаев Комилжон Абдуганиевич,
Наманган давлат университети
Ихтисослаштирилган илмий кенгаш
коғиби, педагогика фанлари номзоди.
+ 99890-214-77-33

komiljon.abdullayev.1961@mail.ru

Аннотация: Мақолада умумий ўрта таълим мактабларининг 10-синфида Саид Аҳмаднинг “Қоракўз мажнун” ҳикояси матни устида ишлаш жараёнида фанлараро интеграция (ахборот коммуникацион воситалари, аудио-видео лавҳалар, тасвирий санъат, интернет)дан фойдаланишининг ўрни ва самарали усуллари кўп йиллик амалий тажрибалар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: Саид Аҳмад, Қоракўз, Саида ая, Бўрихон, фанлараро интеграция, ахборот коммуникацион технологиялари, матн, қиёсий таҳлил, оналар тимсоли, аудио-видео лавҳа, тасвирий санъат, интернет.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В ПРОЦЕССЕ РАБОТЫ НАД ТЕКСТОМ РАССКАЗА САИДА АХМАДА «КАРАКУЗ МЕДЖНУН»

Абдуллаев Комилжон Абдуганиевич,
Наманганский государственный университет,
Секретарь Специализированного ученого совета,
кандидат педагогических наук.
+ 99890-214-77-33

komiljon.abdullayev.1961@mail.ru

Аннотация: В статье рассматривается роль и эффективные методы использования междисциплинарной интеграции (информационно-коммуникационные медиа, аудио-видео,



изобразительное искусство, Интернет) в 10-м классе общеобразовательных школ в процессе работы над текстом рассказа Саида Ахмада «Каракуз Меджнун» освещенный на основе многолетнего практического опыта..

Ключевые слова: Саид Ахмад, Каракуз, Саида ая, Борихан, междисциплинарная интеграция, информационные и коммуникационные технологии, текст, сравнительный анализ, образ матери, аудио-видео, изобразительное искусство, Интернет.

USE OF INTERDISCIPLINARY INTEGRATION IN THE PROCESS OF WORK ON THE TEXT OF SAYID AHMAD'S STORY "KARAKUZ MEJNUN"

Abdullaev Komiljon Abduganievich,
Namangan State University,
Secretary specialized scientific council,
candidate of pedagogical sciences.
+ 99890-214-77-33
komiljon.abdullayev.1961@mail.ru

Resume: The article examines the role and effective methods of using interdisciplinary integration (information and communication media, audio-video, visual arts, the Internet) in the 10th grade of secondary schools in the process of working on the text of Said Ahmad's story "Karakuz Majnun" illuminated on the basis of many years of practical experience.

Key words: Said Ahmad, Karakuz, Saida aya, Borikhan, interdisciplinary integration, information and communication technologies, text, comparative analysis, mother's image, audio-video, visual arts, Internet.

Таълим соҳасида катта ислоҳотлар амалга оширилаётган мамлакатимизда ижтимоий, маънавий- маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган 5 та муҳим ташаббусда ёшларни муסיқа, рассомлик, театр, адабиёт, китобхонлик соҳасига қизиқтириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилган[1,1].

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратишимиз учун ҳамма шароитларни яратамиз” [2,1].

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад ўзининг ранг-баранг ҳикоялари, публицистик мақолалари, қиссаю романлари, хушчақчақ комедиялари билан ўзбек адабиёти такомлида муносиб ўрин эгаллаган, ўзбек халқи китобхонларининг қалбини забт эта олган таниқли сўз санъаткорларидан ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг адабиётдан ўқув дастури асосида тузилган режада 10-синфда унинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун 2 соат вақт ажратилган [6, 82-102] бўлиб, уни қуйидагича тақсимланишини мақсадга мувофиқ деб топдик:

1. Саид Аҳмаднинг таржимаи ҳоли. Унинг ўзбек адабиёти такомлида тутган ўрни. Насрий, драматик, ҳажвий асарлари ҳақида маълумот. “Қорақўз мажнун” мустақиллик йилларида яратилган энг сара ҳикоялардан бири сифатида - 1 соат.



2. “Қорақўз мажнун” ҳикояси матни устида ишлаш, унинг таҳлили -

1 соат

1-соатдаги дарс давомида Саид Аҳмаднинг таржимаи ҳоли, ижодий фаолияти ҳақидаги маълумотларни қуйидаги мавзуларда тайёрланган ва ижодкор адабиёт фани ўқитувчиларининг синовидан ўтказилиб тавсия этилаётган ахборот коммуникацион воситалари асосидаги электрон кўргазма-слайдлар ёрдамида ҳикоя қилиш маърузанинг аниқ, изчил, қизиқарли ва самарали бўлиши учун хизмат қилади:

“Саид Аҳмад (Хусанхўжаев) (1920-2007)”, “Ҳамкасб дўстлар таниқли сўз санъаткорлари билан”, “Насрий асарлари”, “Уфқ” трилогияси”, “Драматик асарлари”, “Ҳажв устаси”, “Саид Аҳмад асарлари – саҳнада”, “Кўнгиларнинг моҳжайкари - Садоқат тимсоли - Саида Зуннуова билан”, “Оила аъзолари даврасида”, “Йўқотганларим ва топганларим”, “Бағримни ўртаган аламлар”, “Таъзим”, “ Саид Аҳмад - 100 ёшда!”

“Қорақўз мажнун” ҳикояси матни устида ишлаш, унинг таҳлили (асосий мақсадимиз шу масалага қаратилганлиги боис, тавсияларимизни кенгроқ ёригишимизни таъкидламоқчимиз) га ажратилган 2-соатдаги дарс шу ҳикояси асосида тайёрланган видеосаҳна намоёйиши билан бошланади (Ўқувчилар жуда таъсирли ва маҳорат билан ижро этилган ушбу санъат асари намунасини кучли ҳаяжон ва мароқ билан томоша қилдилар).

Ўқувчилар диққати жамлангач, видеосаҳна ва ҳикоя матни (сюжети)ни қиёслаш асосида таҳлилга киришилади.

Ҳикоя матнининг электрон шаклини интернет (“Ona tili-milla...”, “ Kitob o`qi”, “Xushnubek. uz / u...”, “Audio kitoblar” каналлари)дан қидириб топилади (бу жараёни ҳам ўқувчилар кўз ўнгида - катта ҳажмли экран орқали ҳамкорликда амалга оширилади (иложи бўлса, ўқувчилар шахсий ноутбуклари билан иштирок этишига эришилса, самарадорлик янада ортади) ва биргаликда ўқитувчи томонидан ҳикоя матнининг алоҳида ранглари билан ажратилган (бу усул асар мазмунини тўлароқ очиш учун ёрдам беради) қуйидаги характерли ўринлари ифодали ўқилади (ёки аудио шаклини тинглаш ҳам мумкин):

1. Қуръони каримдан:

“Сизлардан қайси бирингиз ўз динидан қайтса ва шу кофирлигича ўлса, ана ўшаларнинг (қилган савоби) амаллари хабата (бекор) бўлур, улар дўзах аҳлидурлар ва у ерда мангу қолурлар”.

(“Бақара” сураси, 217-оят)

2. Ҳадиси шарифдан:

“Жаннатга кирадиган ўн нафар ҳайвондан бири бу “Асъҳоби қаҳфнинг вафодор итидир”.

(“Ал-Жоме ал-Кабир)

3. “Ўрис шаҳарларида дайдиб қолиб кетган ўғли Бўрихонга Худодан инсоф тилади. Бахти очилмай, гулдек умри хазон бўлаётган қизи Қумрига ачиниб, шу фариштагинанинг йўлини оч, деб Аллоҳга итижо қилди”.

4. “Саодат ёшлигида жуда чиройли қиз бўлганди. Сочлари тақимини ўпарди. Тараганда шамшод тароқ ушлаган қўллари сочининг учигача етмасди. Ярмини қисимлаб туриб, бу ёғини тарарди. Опаси бу сочларни қирқта қилиб ўрганда, яна шунчаси ортиб қоларди”.



5. “Кампирнинг сочлари ҳамон ёшлигидагидек. Фақат ярмидан кўпи оқариб кетган. Орқасига ташлаб қўядиган, учи бирлаштирилган икки ўрим сочининг учига эрининг фронтдан олиб келган оғиргина медалини осиб қўйган”.
6. “Ҳовлининг ярмига яқин жойга тангадек офтоб туширмайдиган қари тут барглари сарғая бошлаган. Қуриган шохига баҳорда илиниб қолган варракнинг қамиш қовурғалари скелетдек бўлиб турибди. Фақат узун латта думи шамолда илондек тўлғонади”.
7. “Кичкинагина, белида белбоғдек иккита - бири қора, бири жигарранг чизиғи бор. Худди кимдир атайлаб бўяб қўйганга ўхшаб кўринади. Тумшуги билан икки кўзи қоп-қора. Бир кўзининг тепасида тўмтоқ қоши ҳам бор”.
8. “- Шу билан билан овуниб юрибман. Қаёққа борсам, ёнимда. Бир қадам нари кетмайди. Менга айт-чи, укаларинг, сингилларинг ҳафтада бир хабар олса олади, олмаса йўқ. Касалхонада ётганимда шу итгина кўкрагини қорга бериб ҳовлида бир ой дераза тагида ётган. Сенлар қўни-қўшнининг қистови билан бир-икки хабар олдиларинг, холос”.
9. “- Аҳмоқ! - деди кампир. - Қаёқларда санқиб юргандинг?! ... Мажнун бўлмай кетгур!”
10. “Ўғли Бўрихон олтмиш еттинчи йили армияга кетган. Ҳарбий хизмати тугади ҳамки, уйга қайтмади. Ўша ёқларда уйланиб, бола-чақали бўлиб, қолиб кетди. Баъзи-баъзида ундан “Я здоров” деган икки энликкина хат келарди. Яқин ўн беш йилдирки, адресни унутиб қўйганми, ишқилиб, шу ўрисчагина хат ҳам келмай қўйган”.
11. “Кампирнинг ўғиллари бизникида туринг, ойи, деб худонинг зорини қилишса ҳам, отанг чиққан уйни ташлаб кетолмайман, мен ҳам шу уйдан чиқазиламан, деб кўнмади”.
12. “- Бувижон, ташвишланманг, тоғамнинг ишлари “беш”. Рўзғори бут, тирикчилигидан ками йўқ. Учта боласи бор. Ўзи ўзбекчани эсидан чиқариб юборибди. Мен билан ўрисча гаплашди. Битта соғин эчкиси, тўртта қанор қопдек чўчқаси, ўнгача чўчқачалари бор экан. Қиш забтига олганда шу молларини ҳам уйига обкириб олишаркан. Қишлоқдагилар тоғамни “Бўрихон” демай, “дядя Боря” дейишар экан”.
13. “Бу гапларни эшитиб, кампир ер ёрилмади-ю, кириб кетмади. Боласи тушмагур-эй, қўшни хотинларнинг олдида шу гапларни айтиб ўтирибди- я! Бировга сўзини бермайдиган эррайим кампирнинг шохи синади, остона ҳатламай уйда муқим ўтириб қолди”.
14. “У қиз невараларига, келину қизларига, албатта, ўсма олиб борарди”.
15. “... Бир қулоғини диккайтириб, биттасини шалпайтириб эркалик қилади. Орқа оёқларида туриб бир-икки айланади. Кампир етиб келиши билан яна ўйноқлаб югуриб кетади. Йўлда учраган мушуқларни тирақайлатиб қувиб, ним қизил тилини оситирганча хансираб қайтиб келади. Дарахтлардаги мусичаларга ирғишлаб акиллайди. Ариқдан шапиллатиб сув ичади...”
16. “- Абдумалик акангникига борамизми, Дилбар опангникигами? Дилбар опанг домда туради. Итдан ҳазар қилади. Сени уйига киритмайди”.
17. “Биттаси Қорақўзга конфет, биттаси серғушт суяк берди. Бирпасда ҳовли болаларга тўлиб кетди. Қорақўзнинг бошини, орқасини силашди. У эркаланиб туриб берди”.
18. “Кампир ҳажга кетаётганларга пенсиядан йиққан пулларини “Ҳожи бадал” учун бериб юборган эди. Ҳаж қабул бўлди, деган хушxabар келган бўлса керак, ўзингга шукр, Аллоҳим, деб остона ҳатлади”.
19. “Шохига катта лампочка осилган тут тагидаги супада ёши олтмишлардан ошган бир ноганиш одам ўтирарди. Унинг кўзлари... бундан ўттиз икки йил олдинги Бўрихоннинг



кўзлари эди. Кампир, вой болам, деб унга талпинди. Супага югуриб бордим, учиб бордим, билмайди. Бағрида ўғлини кўрди. Ундан ароқ ва шам ёқилган уйнинг хиди келарди. Кампир буни сезмасди. Ғойибининг ҳозир бўлганидан маст-аласт эди. Карахт эди, бахтиёр эди. Ўғлининг бошларига, елкаларига кўз ёшлари тўкилар эди”.

20. “- Ну зачем, зачем плачеш, мама, вот я приехал, хватит, хватит, - дерди ўғли. Она бу гапларни эшитмасди. Эшитса ҳам, барибир, тушунмасди”.

21. “Кампир унинг юзларига қараб эзилиб кетди. Қариб, адоий тамом бўпти. Башарасига ҳам ўша томонларнинг нуқси уриб, ўзбеклиги қолмабди. Эллик бир ёшида етмиш яшар чол бўлиб қўя қопти.

Бўрихон укаларини ҳам, сингилларни ҳам танимади. Улар ҳам буни танишмади.

Аммо у тил билмаса нима қилсин? Ўйлаб- ўйлаб, “Салям!” деди. Жигарлар кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай ҳайрон туриб қолишди”.

22. “Ну зачем, зачем? - деди Бўрихон. - Ведь барана жалько, все равно я столько мясо не ем! Унас баранина не едят”.

23. “Ростдан ҳам шу менинг боламми, деб ўйларди кампир. Қариб кетибди, сочлари тўкилиб, бошининг ярми яланг очланиб қопти. Кўп ичадиган одамлардагина бўладиган захил бир бефайзлик зоҳир эди юзларида. Кўзларнинг таги салқиган, тишлари тамакидан жигарранг тусга кирган. У отаси ўтган уйда, туққан онасига, жигарбандларига бегона бўлиб бепарво ётибди”.

24. “Бўрихон у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилди. Шунда... шунда унинг устидаги чойшаб сирғалиб елкалари, кўкси очилиб қолди. Кампир чаён ўрмалагандек сесканди. Ўзини орқага ташлади.

Бўрихоннинг бўйнидаги занжир учида бут ялтиради. Кампирнинг кўзлари тинди. Бир дам уни шуур тарк қилди. Телбадек сапчиб ўрнидан турдию, айвон томонга чекинди...”

25. “Оҳ, отагинаси тирик бўлганда шу супа устида болта билан чопиб ташларди-я!”

26. “Туғилган юртга муҳаббат туйғуси уни тарк қилганига кўп йиллар бўлган”.

27. “- Ўзи келган, ўзи кетаверади. Машина келса, чемоданини ташлаб қўй. Бу уйга энди қайтиб келмасин, - кампир қатъий қилиб”.

28. “- Бу болани мен эмас, бўри туққан... Бир марта дадам қани, деб сўрамади-я! Қандок ота эди-я раҳматли”.

29. “Илгари кампир баъзи-баъзида бу кийимларни ҳидлаб йиғларди. Энди кўксидаги муз уни йиғлашга қўймади. У ҳовли ўртасига хазон тўплаб гугурт чақди. Гуриллаб ёнаётган гулханга Бўрихоннинг кийимларини бирма-бир ташлай бошлади. Гулханда Бўрихоннинг болалиги ёнарди”.

30. “- Фарзанд доғи ёмон бўлади, болам.

- Ахир акам тирик-ку, шукр қилмайсизми?

Кампир унинг гапини чўрт кесди?

- У йўқ энди!”

31. “- Онажон, кеча муборак ҳаж сафаридан қайтдик. Сизнинг ҳажингиз қабул бўлди, - дейишди.

Имом хатиб Саодат аянинг “Ҳожи бадал” бўлгани тўғрисидаги ҳужжатни узатди”

Кампир қўлини кўтара олмади. Кўзини аранг очиб: “ўзингга шукур, Аллоҳим”, дея олди, холос. Уқизига бир нима демоқчи бўлган эди, тили калимага келмади”.

32. “- Ойим шу кунга атаб сақлаб юрган эдилар.

У шундай деб икковининг елкасига тўн ташлади”.



33. “Аслини олганда, унинг умри тутаган эди. Бу хушхабар унинг тугаб бораётган умрига умр улаган эди. Бу ҳол шамнинг ўчиш олдидан бир лоп этишига ўхшарди”.

34. “Қатор ўтирган болаларига, невараларига қарар экан, кампир мамнунлик билан:
- Худога шукр, тобутим олдида борадиган ҳассакашларим кўп экан, деди. - Эшитинглар, болаларим. Абдумалик, энди сен ота ўрнида оталик қиласан. Қумри, қизим, энди сен менинг ўрнимга қоласан. Абдунабини шу ҳовлига уйлатинглар. Йилимни кутиб ўтирмай тўй қилаверинглар. Шундоқ қилсаларинг, арвоҳим шод бўлади. Абдунаби келин билан Қумрининг олдида қолсин. Шу уй уники. Онам гўрида тинч ётсин десанглар, Қумрини асло ёлғизлатиб қўйманглар.

Кампирнинг лаблари қуруқшади. Қумри пиёладаги сувга пахта ботириб оғзига томизди. Шошиб турибман, болаларим. Мени оталаринг олдида олиб кетишга келишяпти. Энди буёғини эшитинглар. Ҳамма тадоригимни кўриб қўйганман. Йилим ўтгунча бўладиган маросимларга етарли пулни Қумрига бериб қўйганман. Қизим, қулоғимдаги зирагимни, маҳси-кавушимни ғассолга бергин. - У энди айтоқчи бўлган гапидан ийманди, шекилли, жиммайди. - Азага келган хотинлар олдида хунутим чиқиб ётмайин, қошимга ўсма...”

35. “Кампир шу жиммайганча ичидаги муз эримай осонгина жон берди (“Уят ўлимдан қаттиқ” мақоли мазмуни сингдирилгандай)”.

36. “Бир кун Қорақўзнинг миждаларида ёш кўриб Қумрининг юраклари эзилиб кетди. Қорақўзга қўшилиб у ҳам йўғлади. Аста қўл юбориб, унинг бошини силади. Олдин бу итни жинидан ҳам ёмон кўрарди. Неча марта косов билан урган. Оёғи остида ўралашганда тепиб юборган. Қорақўз ҳам уни унчалик суймасди.

Ана энди икки мунлиғ бир-бирига қараб юм-юм ёш тўкишяпти”.

37. “Қорақўз энди кечалари дайдиб кетмай қўйди. Ҳар куни ҳали тонг ёришмай туриб (кампир бомдодга турганда) уйғониб кетарди.

Кампирнинг болаларидан иккитаси Тошкентда, биттаси Чирчиқда, иккитаси Қибрайда яшайди. У тонг отгандан то кун ботгунча ҳаммасининг уйига борарди. Кампирни тополмай, ҳориб-чарчаб қайтиб келади”.

38. “Қорақўз... Яқин икки ойдан бери йўқотган яқин кишисининг овозини эшитиб йўғлаётгандек ғингшиди. Қорақўз учинчи қаватга отилиб чиқди. Эшикни тимдалаб вовуллади. Яна қайтиб тушди. Болахонага қараб вовуллайверди, вовуллайверди...”

39. “Уйқута тўймаган одамларга тонг маҳали акиллаётган итнинг бу қилиғи малол келарди. Қутурган бу ит қаёқдан пайдо бўлди, уни йўқотиш керак, деб ўйлашарди.

- Дайди итларни тутадиганларни чақириш керак...

- Қутурган бу, болаларни тишлаб олмасин-да!

- Шу пайт тўртинчи қаватдан кимдир варанглатиб ўқ узди.

Қорақўз вангилаб ёнбошига ағдарилди. Орқа оёғини бир-икки силкитиб жимиб қолди”.

40. “Магнитофон тасмаси ҳамон айланарди.

“... Қорақўз ўлмагур, Мажнунгина, яна қаёққа кетяпсан? Маъшуқаларинг олдидами? Келинни қачон кўрсатасан? Лайлингни бир олиб кел, кўрай...”

Қорақўз кампирнинг овози келаётган болохона томонга юзини бурганча жонсиз ётарди”.

Сўнгра видеосаҳна ва ҳикоя матни (сюжети)ни қиёслаш асосидаги таҳлил натижаларини мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланган ҳолда суҳбат ўтказилади:

1. Ҳикоя нима учун “Қорақўз мажнун” деб номланган?
2. Танланган эпиграфдан нималарни уқиб олдингиз?



3. Кампир ҳар сафар тонгда қайси гапларни такрорлар эди?
4. Қаҳрамоннинг ёшлик даври қандай тасвирланади?
5. Саодат ая нима учун сочига эри фронтдан олиб келган медални осиб олган?
6. Баҳорда қари тутга илиниб қолган варракнинг куздаги кўринишини тасвирлашда қандай бадиий-тасвирий воситадан фойдаланилган?
7. Қорақўз тасвири ифодаланган сатрларни топинг.
8. Саодат ая нима учун Қорақўзни “одамдек азиз” деб ҳисоблайди? Матндан фикрингизни тасдиқловчи далилларни топинг.
9. Қорақўзни нима учун “мажнун” дейилади?
10. Бўрихон нима учун армиядан қайтиб келмади?
11. Саодат ая нима учун ўғли ёки қизларни кига бориб яшамади?
12. Невараси Анваржон тоғаси Бўрихонни 15 йилдан кейин топгач, уни қандай таърифлайди?
13. Нима учун “Бировга сўзини бермайдиган эррайим кампир (Саодат ая)нинг шохси синади”?
14. Саодат ая қизларига нима совға олиб борар эди?
15. Ҳар сафар йўлга чиққан Қорақўз хурсандлигини қандай ифодалар эди?
16. Қизи Дилбар нима учун игдан ҳазар қилар эди?
17. Неваралар Қорақўзни қай тарзда сийлашарди?
18. Саодат ая учун оламшумул янгилик нима эди?
19. 32 йилдан кейинги она ва боланинг учрашуви қандай тасвирланади?
20. Бўрихон онасини қайси сўзлар билан юпатади?
21. Бўрихоннинг 32 йилдан кейинги портрети қандай чизилади?
22. Оёғи остига сўйилган қўйни (оила аъзоларининг хурсандчилигини) қандай қаршилайди?
23. Нега Бўрихон туққан онасига, жигарларига бепарво ётибди?
24. Нима учун “Кампир баданидан чаён ўрмалагандек сесканди?”
25. Отаси уни кўрганда нима қилган бўлар эди?
26. Тошкендаги катта ўзгаришларни у қандай қабул қилди?
27. Саодат ая нима учун ўғли билан хайрлашгани бормади?
28. “Бу болани мен эмас, бўри туққан...” иборасини қандай изоҳлайсиз?
29. Она ўз қаҳрини қандай қандай исботлади?
30. У хушидан кетишидан аввал қизи Қумрига нималар деди?
31. Маҳалла имом хатиби ва мутаваллиси Саодат аяга қандай хабар келтиришди?
32. Саодат ая уларга қандай жавоб қайтарди?
33. Қумри нима учун уларга тўн кийдирди?
34. Онанинг ҳажи қабул бўлганини қандай изоҳлаш мумкин?
35. Она фарзандларига нималарни васият қилди?
36. Саодат аянинг ўлимига нималар сабаб бўлди деб ўйлайсиз?
37. Нима учун Қумрининг Қорақўзга муносабати ўзгарди?
38. Саодат аянинг вафотидан сўнг Қорақўзда қандай ўзгаришлар бўлди?
39. Қорақўз 2 ойдан сўнг Саодат аянинг овозини қаерда эшитди?
40. Одамларнинг Қорақўзни оғир жазолашларига ким айбдор?
41. Қорақўзнинг Саодат аяга садоқатини қандай баҳолайсиз?



42. Ёзувчининг бадиий маҳорати (ҳикоя сарлавҳаси, танланган эпиграф, қаҳрамонларнинг номланиши (Саодат, Бўрихон), портрет, пейзаж, бадиий-тасвирий воситаларидан фойдаланиши) ҳақидаги фикрларингиз?

43. Ҳикоядаги она тимсолини бошқа асарлардаги она тимсоллари билан солиштиринг. Фарқли томонларини айтинг.

44. “Қорақўз мажнун” ҳикоясига ўхшаш яна қандай асарларни биласиз?

Мавзуни ҳаётий мисол - далиллар билан боғлаб тушунтириш ҳикоянинг нақадар жонли, ишонарли, умрбоқийлигини кўрсатиш учун хизмат қилади.

Фикримизнинг исботи сифатида дарс жараёнида фойдаланилган қўйидаги манбани келтирамиз: 2018 йил 14 ноябрь куни соат 21.53 да “Дарё” каналида эълон қилинган “Хитойда ит 3 ойдан буён вафот этган эгасини ўлим жойида кутмоқда” сарлавҳали хабарда Хитойнинг Хих-Хохо шаҳрида 2018 йил 21 августда автомобиль ҳалокати натижасида ҳалок бўлган аёлнинг ити ўшандан буён қор, ёмғир, иссиқ, совуқ демай эгасини кутаётгани ҳақида ҳикоя қилинган. Вафодор жониворнинг расми ҳам кўрсатилган (“RIA Новости” [10, 1]).

“Сиз ҳам шу каби воқеаларни кўрганмисиз ёки эшитганмисиз?” саволи билан ўқувчиларнинг фикрлари билан ўртоқлашиш таассуротларни янада мустаҳкамлайди, хотирада ўчмас из қолдиради.

“Қорақўз мажнун” ҳикоясига ҳамоҳанг ва унинг мазмунини янада бойитишга хизмат қиладиган Нодар Думбадзенинг “Кўпшак” ҳикояси, халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт намуналарида бу мавзуга мос ҳикоятлар учраши ҳақидаги фикрларни баён этиш, шунингдек, ОНА мавзуси мадҳ этилган лирик, эпик ва драматик асарлар, айниқса, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссаси (5-синфда парча ўрганилган) - ОНАЛАР шарафланган абадий барҳаёт машғала” [5, 208] эканини эслатиш, Мотамсаро она, 14 нафар фарзандни сақлаб олган Шоаҳмад Шоомаҳмудовлар оиласига қўйилган мангу ҳайкаллар расмини намойиш этиш ва шарҳлаш; она ҳақидаги аудио-видео лавҳалардан, жумладан, “Онажоним - Аллоҳим”, “Она мактуби”, “Сўнги армон”, “Онамни бир бора кўтармабмана...”, “Тополмайман, онажон!”, “Соғиндим, онажон!”, “Топмоқ - йўқотмоқ”, “Ота-она дуоси”, “Она”, “Муқаддасан, аёл!” каби намуналардан эшиттириш, айниқса, фарзандини дунёга келтириб вафот этган она бағридаги гўдак йиғиси марҳума онанинг сўнги кўз ёшига сабаб бўлган - “ОНА” - 2019 йилнинг энг таъсирли сурати” видеолавҳаси намойиши барчанинг қалбида бир умрга муҳрланиб қолиши каби далилларга тўхталиш дарснинг самарадорлигини янада ошириш учун хизмат қилади.

Қўйидаги фанлараро интеграция асосидаги топшириқлар уйга вазифа қилиб топширилади:

- ҳикоянинг таъсирли ўринларини (онанинг нутқи, васияти; Бўрихоннинг 32 йилдан кейинги портрети каби...) қайта ўқиш;
- ҳикоя мазмуни, ёзувчининг бадиий маҳоратини ифодаловчи слайдлар тайёрлаш;
- тасаввурларни расмлар орқали (Саодатнинг ёшлиги (40 кокилли қиз), қуриган шохига “қамиш қовурғалари скелетдек бўлиб қолган” варрак илиниб қолган қари тут тагида супурги устида ухлаб ётган Қорақўзнинг тасвири, Бешик-Ватан (ўғлини 3 йил бешиқда катта қилгани), Саодат ая Бўрихоннинг ёшлигидаги кийимларини сандиқдан олаётгани, Қумри ва Қорақўзнинг мунғайиб қолиши (видео лавҳада таъсирли тасвирланган) каби ўринларни) ифодалаш;



- ҳикоядан олган таассуротлар асосида “Она - улуг зот” мавзусида иншо ёзиш;
- ибратли, таъсирли парчалардан намуналар ёд олиш, аудио шаклини тайёрлаш;
- Нодар Думбадзенинг “Кўшпак” ҳикоясини интернет[91]дан топиб ўқиш ва “Қорақўз мажнун” ҳикояси билан солиштириш, характерли ўринларини махсус ранглар билан белгилаш, намуна асосида таҳлилни амалга ошириш;
- оналар ҳақида яратилган асарлар рўйхатини кенгайтириш.

Саид Аҳмаднинг “Қорақўз мажнун” ҳикоясини ўрганиш жараёнида фанлараро интеграциядан фойдаланиш:

ўқувчиларнинг ёзувчи мақсади, ҳикоя мавзуси, ғояси, бадиий хусусиятларини очиб берувчи, миллий тарбия асоси ҳисобланган садоқат (Саодат ая “... ярмидан кўпи оқариб кетган икки ўрим сочининг учига эрининг фронтдан олиб келган оғиргина медалини осиб қўйган”и ва уни доимо шундай сақлагани), эътиқод, иймон, ғурур (ота-боболари эътиқодини давом эттирмаган фарзанди - Бўрихоннинг болалиги (кийимлари)ни гулханда ёқиши ва ундан воз кечиши; Саодат ая учун дин-диёнат, миллий-диний қадриятлар, эл-юртчилик ҳамма нарсадан устун турганлиги; “Ҳожи бадал” бўлганлиги ҳақидаги ҳужжатни олганлиги, фарзандларига васиятини мамнунлик билан амалга оширганлиги...), орият, номус (бизнингча, муштипар онани уят - ўғли “Бўрихоннинг қилмиши” ўлдирди - “Уят ўлимдан қаттиқ”), вафо (Қорақўз мажнуннинг вафоси бир ўғил (Бўрихон)нинг она кўнглини вайрон қилишига нисбатан юксак маънавий мартабаларда туриши ҳамма вақт улғворлик касб этиши, умрининг охиригача ўз эътиқодига содиқ қолиш - САОДАТ, акси эса - БЎРИХОН тимсоли эканлигидир) каби юксак инсоний фазилат - калит сўзлар моҳиятини чуқурроқ тушуниб олишларига ёрдам беради; уларнинг бадиий адабиёт, ижодга қизиқишини кучайтиради, фикрлаш қобилиятини камол топтиради; дастур материалларини пухта ўзлаштиришларига ёрдам беради, ижодкорлик қобилиятини тарбиялайди, ўстиради; турли фанлардан эгаллаган билимлари доирасини кенгайтиради, мустаҳкамлайди; ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантиради, ўз фаолиятини тўғри ташкил этиш, фан янгиликлари билан мунтазам танишиб бориш, мустақил-ижодий ишлаш кўникмаларини ривожлантиради; уларда ёрқин ва кучли таассуротлар ҳосил қилади, бадиий ва эстетик дидларини ривожлантиради; китобга, адабиётга, санъатга, она-Ватанга, ОНАЖОН ларга, миллий анъана ва қадриятларга муҳаббат, ифтихор ҳисларини тарбиялайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 19- мартдаги видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил 20 март.
2. daryo. uz / k / 2020 / 05 / 20 / toshkentda - adiblar - xiyoboni - ochildi - foto/
3. Электрон манбаа: [www.pv.uz/](http://www.pv.uz/news/) news/ Мирзиёев Ш.М. Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 23 август куни ўтказилган таълим масалаларига бағишланган видеоселекторда сўзлаган нутқи. – Т.: 2019 йил 24 август.
4. Тўлабоев Қ. Китоб - маънавий бойликлар дурдонаси. – Т.: Наврўз, 2018. – 209 б.



5. Ҳошимов Ўткир. Дунёнинг ишлари /қисса /. “Абадий барҳаёт асарлар” туркуми. Нашрга тайёрловчилар: Ўлмасхон Ҳошимова, Тўлқин Эшбек. - Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. – 208б.
6. Адабиёт [Матн]: дарслик-мажмуа (10-синф) / Б.Тўхлиев [ва бошқ.], - Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – 184 б.
7. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2006. – 390 б.
8. Саид Аҳмад. Йўқотганларим ва топганларим. / Хотиралар. Адабий ўйлар. - Т.: Саностандарт, 2014. – 352 б.
9. Нодар Думбадзе. Кўпшак (ҳикоя). nnts: // teletype.in/@ xushnudbek/ ko`ppak. 2020 yil 15 may.
10. Хитойда ит 3 ойдан буён вафот этган эгасини ўлим жойида кутмоқда. “Дарё” канали. (“RIA Новости”). 2018 йил 14 ноябрь куни соат 21.53 да.
11. Эргашева Ш. Кўнгиларнинг моҳайкари. Т. : Университет, 2006. – 56 б.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МУЛЬТИВАРИАНТНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ПРИ ФОРМИРОВАНИИ ПОНЯТИЙ МАТЕМАТИЧЕСКОГО АНАЛИЗА

Кахрамон Азимов – старший преподаватель,
Джизакский политехнический институт,
Gmail: qaxramonazimov6@gmail.com
email: azimov53@inbox.ru

***Аннотация:** Студенты должны иметь возможность решать больше примеров и задач, чтобы они могли полностью понять понятия, которые они описывают. Очень интересно будет решить один пример или задачу несколькими разными способами. Данная статья посвящена одному инновационному способу формирования нескольких понятий математического анализа.*

***Ключевые слова:** Предел, законы предела, экстремальные задачи, экстремум функции, алгебраический способ, замена переменного*

THE USE OF MULTIVARIATE TECHNOLOGY IN THE FORMATION OF CONCEPTS OF MATHEMATICAL ANALYSIS

Kaxramon Azimov–Senior Lecturer,
Jizzakh politechnical institute,
Gmail: qaxramonazimov6@gmail.com
email: azimov53@inbox.ru

***Annotation:** Students should be able to solve more examples and problems so that they can fully understand the concepts they describe. It will be very interesting to solve one example or problem in several different ways. This article will be devoted to one innovative way of forming several concepts of mathematical analysis.*

***Key words:** Limit, limit laws, extreme problems, extremum of a function, algebraic method, variable substitution*